

ЖУМА МАВЪИЗАСИ  
“11” Май, 2018 м.

Усмонхон АЛИМОВ  
“25” Шайбон, 1439 х.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

### ИСРОФГАРЧИЛИКДАН САҚЛАНАЙЛИК!

Шариатимизда ҳар бир нарсани меъёрида қилиш тавсия этилади. Бир нарсани жуда ошириб ҳам юборилмайди ва аксинча, жуда йўқ даражага ҳам тушуриб қўйилмайди. Балки ўрта меъёрида адо этилади. Меъёрдан ошириб юбориш исроф, деб қаралади.

Қуръони каримда бу ҳақда ҳам баёнот келгандир. Аллоҳ таоло Исро сурасида марҳамат қилади:

وَلَا تَجْعَلْ يَدَكَ مَغْلُولَةً إِلَىٰ عُنُقِكَ وَلَا تَبْسُطْهَا كُلَّ الْبَسْطِ فَتَقْعُدَ مَلُومًا مَّحْسُورًا (سورة الإسراء/29)

яъни: “(Бахиллик қилиб) қўлингизни бўйнингизга боғлаб ҳам олманг. (Исрофгарчилик қилиш билан) уни бутунлай ёйиб ҳам юборманг! Акс ҳолда, маломат ва маҳрумликда ўтириб қолурсиз” (Исро сураси, 29-оят).

Ўртача, мўътадил туриб, хасислик ҳам қилмасдан, исроф ҳам қилмасдан молини Аллоҳ таоло айтганидек, шариат кўрсатганидек тасарруф қилса, Аллоҳ таоло унинг садақаси, хайр-эҳсонининг ўрнига бандаси кутмаган томондан яна бошқа неъматлар ато этиб, баракасини беради.

Исрофчининг бу дунёдаги оқибати ҳасрат ва надоматдан иборат бўлиб, охиратдаги оқибати аламли жазо ва шиддатли азоб бўлади. Аллоҳ таоло Воқеа сурасида марҳамат қилади:

وَأَصْحَابُ الشَّمَالِ مَا أَصْحَابُ الشَّمَالِ. فِي سَمُومٍ وَحَمِيمٍ. وَظِلٍّ مِنْ يَحْمُومٍ. لَا بَارِدٍ وَلَا كَرِيمٍ. إِنَّهُمْ كَانُوا قَبْلَ ذَلِكَ مُتْرَفِينَ (سورة الواقعة/41-45)

яъни: “Чап томон эгалари – чап томон эгалари (бўлмоқ) не (бахтсизлик)дир! (Улар) Самум (қаттиқ иссиқ шамол, гармсел) ва қайноқ сув ичида, қора тутун сояси остидадирларки, на совукдир (у жой) ва на ёқимли. Улар бундан илгари (дунёда) маишатпараст эдилар” (Дунёда яйраб олайлик дер эдилар) (Воқеа сураси, 41-45 оятлар).

Ояти каримадаги **самум** – кишининг баданини ташқаридан тешиб ўтувчи шамолдир. **Ҳамим** – қайноқ сув, дўзахийларнинг баданини ичидан тешади. Чап тараф эгалари мана шулар ичида доимий азобда бўладилар. Яъни улар дунё лаззатининг ортидан эргашиб, имонни, диёнатни унутган, маишатпараст, исроф қилувчи тоифада бўлган эдилар.

Молни зое қилиш, исроф қилиб, беҳуда кетказиш Аллоҳ таолонинг ғазабини келтирадиган амаллардан ҳисобланади.

Муғийра розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар:

عَنْ الْمُغِيرَةَ بْنِ شُعْبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: " إِنْ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ كَرِهَ لَكُمْ قِيلَ وَقَالَ، وَإِضَاعَةَ الْمَالِ، وَكَثْرَةَ السُّؤَالِ (رواه الإمامُ مُسْلِمٌ وَالْإِمَامُ أَحْمَدُ).

яъни: **“Албатта Аллоҳ сизлар учун қийлу-қолни, кўп саволни ва молни зое қилишни ёмон кўрди”** (Имом Муслим ва Имом Аҳмад ривояти).

Исрофгарчиликга йўл қўймаслик кишининг дунё ва охиратдаги хасрат-надоматларидан сақловчи омиллардан биридир.

عَنْ أَبِي بَرْزَةَ الْأَسْلَمِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ " لَا تَزُولُ قَدَمًا عَبْدٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ حَتَّى يُسْأَلَ عَنْ عَمْرِهِ فِيمَا أَفْنَاهُ وَعَنْ عِلْمِهِ فِيمَ فَعَلَ وَعَنْ مَالِهِ مِنْ أَيْنَ اكْتَسَبَهُ وَفِيمَ أَنْفَقَهُ وَعَنْ جِسْمِهِ فِيمَ أَبْلَاهُ" (رواه الإمامُ الترمذی)

яъни: Абу Барза Асламийдан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **“Қиёмат куни ҳар бир инсон (тўрт нарса ҳақида) сўралмагунигача жойидан жилмайди: Умрини қандай ўтказгани, илмига қандай амал қилгани, молини қаердан топгани ва қаерларга сарфлагани, жисмини нима билан қаритгани”** (Имом Термизий ривояти).

Ушбу ҳадисда ҳар бир мўмин банда алоҳида аҳамият бериши, ҳеч қандай исрофга йўл қўймаслиги лозим бўлган тўрт буюк неъмат ҳақида сўз юритилмоқда.

Ислоҳ ҳар бир соҳада мўътадиллик йўлини тутганидек, озиқ-овқат ва кийим-бош масаласида ҳам мусулмонлардан ўртача бўлишни талаб этади.

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ: "إِنَّ الشَّيْطَانَ يَحْضُرُ أَحَدَكُمْ عِنْدَ كُلِّ شَيْءٍ مِنْ شَأْنِهِ، حَتَّى يَحْضُرَهُ عِنْدَ طَعَامِهِ، فَإِذَا سَقَطَتْ لُقْمَةٌ أَحَدِكُمْ فَلْيَأْخُذْهَا فَلْيَمِطْ مَا كَانَ بَهَا مِنْ أَدَى، ثُمَّ لِيَأْكُلْهَا وَلَا يَدْعُهَا لِلشَّيْطَانِ، فَإِذَا فَرَّغَ فَلْيَلْعَقْ أَصَابِعَهُ، فَإِنَّهُ لَا يَدْرِي فِي أَيِّ طَعَامِهِ الْبِرْكَةُ" (رواه الإمامُ مُسْلِمٌ).  
وَفِي رِوَايَةٍ: وَأَمَرْنَا أَنْ نَسَلَّتِ الْقِصْعَةَ، وَقَالَ: "إِنَّكُمْ لَا تَدْرُونَ فِي أَيِّ طَعَامِكُمُ الْبِرْكَةُ".

яъни: Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам **“Албатта, шайтон сизларнинг ҳар бирингизнинг ҳар бир ишида ҳозир бўлади: таомига ҳам ҳозир бўлади. Қачон бирингиздан лўқма тушса, ундаги нолойиқ нарсани кетказиб, кейин есин. Уни шайтонга қолдирмасин. Фориз бўлганида эса, бармоқларини яласин. Чунки у таомнинг қаерида барака бўлишини билмайди”**, - деганлар (Имом Муслим ривояти).

Бошқа бир ривоятда: “У зот лаганни бармоқларимиз билан сидириб ялашга амр қилдилар ва: **“Албатта сизлар қаерда барака бўлишини билмайсиз”**, дедилар”, дейилган (Имом Муслим ва Имом Абу Довуд ривоят қилган).

Бу ҳадиси шарифда динимиз таомга нисбатан қай даражада эътиборли бўлганини ва тежамкор бўлишимизни талаб қилганини билиб оламиз.

Хонадонимизда ортиб қолган таомларни ташлаб юборилиши, зиёфат ва маросимларни дабдабали, сер чиқим қилиш ҳам айни пайтдаги исрофнинг кўринишларидан биридир. Бунинг ўрнига маҳалладаги ночор яшаётган бир фақир оиланинг кам-кўстини қилиб бериш, ўқиш пулини тўлай олмаётган бир талабага ёрдам бериш, ўғлини уйлантириш учун маблағ топа олмаган бир

оилани мушкулини осон қилиш, қарзини тўлай олмаётган бир танишни қўллаб юбориш мумкин.

Бугунги кунда никоҳ тўйларини ўтказишда ҳам ҳаддан ошиш, исрофгарчиликка ружу қўйиш ҳолатлари кўп учрамоқда. Бу борада ҳам шариатимизга амал қилиб, унда келган кўрсатмаларни ҳаётимизга тадбиқ этишимиз лозим. Сарвари коинот Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам оналаримизга уйланганларида оддий ва содда тўйлар қилганликлари барчамизга маълум ва машҳур.

عن أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ : أَقَامَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَيْنَ خَيْبَرَ وَالْمَدِينَةِ ثَلَاثَ لَيَالٍ يُبْنَى عَلَيْهِ بِصَفِيَّةَ بِنْتِ حُبَيْبٍ ، فَدَعَوْتُ الْمُسْلِمِينَ إِلَى وَلِيمَةِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَا كَانَ فِيهَا خُبْزٌ وَلَا لَحْمٌ وَمَا كَانَ إِلَّا أَنْ أَمَرَ بِالْأَنْطَاعِ فَبَسَطْتُ وَأُلْقَيْتُ عَلَيْهَا التَّمْرَ وَالْأَقِطَ وَالسَّمْنَ فَكَانَتْ وَلِيمَتَهُ" (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ)

яъни: Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хайбар билан Мадина орасида уч кун турдилар ва Софийя бинт Ҳуяйга уйландилар. Мен мусулмонларни валиймага таклиф қилиб келдим. Унда нон ҳам, гўшт ҳам йўқ эди. У зот тери дастурхонларини ёзишга амр қилдилар. Уларни устига хурмо, қурут ва сарёғ ташилди. У зотнинг валиймалари шундан иборат эди”* (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Бугунги кунда тўй маросимларимизда ҳаддан ташқари дабдабабозлик, манманлик ва исрофгарчиликлар авж олмоқда. Манашу нарса аксар оилавий можаролар, уруш-жанжаллар, ажралишлар, қудалар ўртасидаги совуқчилик ваҳоказо салбий оқибитларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Энг ёмони, айрим пул топиб ақл топмаган, маънавий савияси паст кимсалар тўй-ҳашамлар, маъракаларни ўтказиш бўйича мусобақа ўйнаб, турлитуман янги одатларни ўйлаб топяпти. Буларни эшитиб, баъзан одам ҳайратдан ёқасини ушлаб қолади.

Тўй-маърака — бу фақат шахсий иш эмас, балки ижтимоий масала ҳисобланади. Шундай экан, бу борада ўзбошимчалик қилиш, пулни ўзим топдимми, уни хоҳлаганча сарфлайман дейиш жамоатчиликка нисбатан ҳурматсизлик ёки уларни назар писан қилмаслик саналади.

Исломда никоҳ тўйи зиёфати ва умуман бировга таом бериш маросимларидан асосий мақсад ҳожатманд кишиларни таомлантириш, уларнинг кўнглини кўтаришдир.

Машҳур саҳоба Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу шундай деганлар: *“Таомнинг энг ёмони бойлар чақирилиб, қамбагаллар чақирилмаган никоҳ тўйи таомидир”* (Имом Бухорий, Имом Муслим ва Имом Абу Довуд ривояти).

**Мухтарам азизлар!** Юқорида айтиб ўтилганлардан маълум бўлмоқдаки, исрофгарчилик якка шахслар учун ҳам, оилалар учун ҳам ўта зарарли ижтимоий иллат экан. Унинг зарари бу дунё билан чегараланиб қолмай, охиратга ҳам ўтар экан.

Шунинг учун исрофгарчиликка қарши биргаликда курашишимиз ҳамда якка ҳолда оила даврасида ва жамият билан бирга исрофга қарши туриш бурчимиз эканини англаб етишимиз ҳамда унга амал қилишимиз лозимдир.

**Мухтарам жамоат!** Ойларнинг султони ва саййиди, муборак Рамазони шариф яқинлашиб келаётгани муносабати билан мавъизанинг ҳанафий мазҳабимиздаги фикҳий масалалар қисмида **рўзага оид баъзи ҳукмлар** ҳақида суҳбатлашамиз.

➤ Аллоҳ таоло мўмин-мусулмон бандаларга Рамазон ойи рўзасини тутишни фарз қилган. Бу бир йилда ўттиз ёки йигирма тўққиз кунни ташкил қилади. Рамазон рўзасини тутган банда улуғ ва катта савобларга сазовор бўлади. Уни тутмаган киши эса оғир гуноҳкор бўлади. Ривоятларда Рамазон рўзасини узрсиз қолдирган кимса бутун умр рўза тутса ҳам, ўша қолдирган куннинг ажрини топа олмаслиги таъкидланган.

➤ Рўза араб тилида – “савм” деб аталиб, “ўзини бир нарсдан тийиш”ни билдиради. Шариат истилоҳида эса: **“Рўза – тонг отгандан, то қуёш ботгунча ният билан емоқ, ичмоқ ва жинсий алоқани тарк қилмоқдир”**.

Рўзанинг тўғри бўлиши шартлари учта;

**Ният.**

➤ Ниятсиз рўза дуруст бўлмайди. Ниятнинг ўрни қалбдир. Қалбдагини тил билан талаффуз қилиш суннатдир.

**Нифос ва ҳайздан холи бўлмоқ.**

➤ Аёл киши нифос ёки ҳайзли бўла туриб тутган рўзаси рўза бўлмайди. Ушбу ойда ҳайз кўрган ёки нифос кўрган аёллар одатлари тугагунига қадар тутмайдилар. Ўша тутмай қолдирган кунларни рамазондан кейин тутиб берадилар.

**Рўзанинг бузадиган нарсалардан холи бўлмоқ.**

➤ Мусофир одам ва рўза сабабли касали зиёда бўладиган бемор Рамазон рўзасини тутмай, кейин тутиб берса, жоиз бўлади. Аммо қийинчилик бўлмаса, мусофирнинг рўза тутгани афзал.

➤ Рамазон кунларидан бирида мусофир ўз юртига келса ёки ҳайздаги аёл пок бўлса, Рамазоннинг ҳурматида рўзани очадиган нарсалардан ўзини тийиб турадилар.

➤ Ҳомиладор ёки эмизикли аёл ўзига ёхуд боласига зарари етиши эҳтимоли бўлса, рўза тутмай, кейин қазосини тутиб берса бўлади.

➤ Рўза тутишга ярамай, куч-қувватдан қолган кексалар рамазон рўзасини тутмай бир кунлик рўза учун бир мискинни тўйдирадиган фидя – озуқа берсалар жоиз.

Аллоҳ таоло барчамизни исрофгарчиликдан сақлаб, молу дунёларимизни Ўзи рози бўладиган жойларга сарфлашни насиб айласин! Омин.